

# FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR JURNALI

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

**ИСАЕВА Дилноза Замировна**  
 Фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон  
 туманлараро судининг  
 судьяси  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.15835165>

## НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА

### АННОТАЦИЯ

Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди.

**Калит сўзлар:** ногиронлиги бўлган шахслар, меҳнат қилиш имконияти, касб-хунар ўргатиш, Фармон, асосий мақсад, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектлари, товарлар, ўқитиш, солиқ ставкаси, субсидия, агентлик, ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўرғазмаси, топшириқлар ижроси, жавобгар, янги иш ўринларини ташкил этиш, касб-хунарга ўқитиш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, назорат қилиш.

## СИСТЕМА ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЗАНЯТОСТИ ЛИЦ С ОГРАНИЧЕННЫМИ ВОЗМОЖНОСТЯМИ ПРОДОЛЖАЕТ СОВЕРШЕНСТВОВАТЬСЯ

### АННОТАЦИЯ

Права нетрудоспособных и одиноких престарелых, лиц с инвалидностью и других социально уязвимых категорий населения находятся под защитой государства.

Государство принимает меры, направленные на повышение качества жизни социально уязвимых категорий населения, создание им условий для полноценного участия в общественной и государственной жизни и расширение их возможностей самостоятельно обеспечивать свои базовые жизненные потребности.

Государство создает условия для полноценного доступа лиц с инвалидностью к объектам и услугам социальной, экономической и культурной сфер, содействует их трудоустройству, получению образования, обеспечивает возможность беспрепятственного получения необходимой им информации.

**Ключевые слова:** лица с ограниченными возможностями, возможность работать, профессиональное обучение, декрет, основная цель, сохранение занятости, субъекты предпринимательства, товары, обучение, налоговая ставка, субсидия, агентство, выставка продукции произведенной лицами с ограниченными возможностями, выполнение поручений, ответственный, организация новых рабочих мест, профессиональное обучение, местная исполнительная власть органы власти, надзор.

## THE SYSTEM OF ENSURING EMPLOYMENT OF PERSONS WITH DISABILITIES IS BEING FURTHER IMPROVED

### ANNOTATION

The rights of incapacitated and lonely elderly persons, persons with disabilities and other socially vulnerable categories of the population shall be protected by the state.

The State shall take the measures to improve the quality of life of vulnerable categories of the population and to enable them to fully participate in social and public life and to enhance their ability to provide for their basic necessities of life independently.

The State shall create the conditions for full access of persons with disabilities to objects and services of the social, economic and cultural spheres, and promote their employment and education, and shall ensure the opportunity to obtain the necessary information without hindrance.

**Keywords:** persons with disabilities, opportunity to work, vocational training, decree, main purpose, preservation of employment, business entities, goods, training, tax rate, subsidy, agency, exhibition of products made by persons with disabilities, execution of orders, responsible, organization of new jobs, vocational training, local executive authorities, supervisors.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида белгиланишича, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди [1].

Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларида иштирок этишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Мазкур муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш ҳамда ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинади.

2020 йил 22 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонунида ногиронлиги бўлган шахсга қуйидагича таъриф берилган: ногиронлиги бўлган шахс - ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар яратилишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 майдаги ПФ-85-сонли "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи салбий омилларни бартараф этиш, уларни касб-хунарга ўргатиш ва бандлигига кўмаклашиш орқали жамиятнинг фаол иштирокчисига айланишини таъминлашга қаратилган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 декабрдаги ПФ-229-сон Фармонининг 2-бандида тикув-трикотаж, пойабзал ва чарм-атторлик саноати йўналишларида ишлаб чиқариш фаолиятини юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган солиқ имтиёзлари унда кўрсатилган шартлар асосида Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ёки Камбағал оилалар реестрига киритилмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар ишга қабул қилинганда ҳам қўлланилиши;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган ҳамда уларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлайдиган нодавлат юридик шахсларга ушбу шахслар учун ижтимоий солиқ ставкаси 1 фоиз миқдорида ҳисобланиши, яқка тартибдаги тадбиркорларга эса ижтимоий солиқ ҳисобланмаслиги;

2025 йил 1 июлдан бошлаб ногиронлиги бўлган шахсларга қонунчиликда белгиланган солиқ имтиёзлари уларнинг мурожаатсиз проактив шаклда қўлланилиши тартиби белгиланди.

Шунингдек, мазкур Фармонда 2025 йил 1 июндан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига 50 миллион сўмгача субсидия ажратилиши, бунда:

- субсидия сурдотаржимон, психолог ва ҳамроҳлик хизматини ташкил қилиш харажатларини қоплаш учун ажратилиши;

- жисмоний шахсларга ҳамроҳлик хизматини ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида кўрсатишга рухсат берилиши;

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида, 2026 йил 1 январдан бошлаб республиканинг қолган ҳудудларида I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни қуйидаги шартларга бир вақтда жавоб берадиган меҳнат шaroитлари асосида ишга қабул қилган ёки шундай ишга жойлашишига кўмаклашган тадбиркорлик субъектларига 500 миллион сўмгача субсидия ажратиш йўлга қўйилиши:

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларни камида 3 ой давомида расмий иш билан банд қилиш;

I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 2 бараваридан кам бўлмаган иш ҳақи тўлаш;

- мазкур банднинг «б» кичик бандидаги субсидия бандлиги таъминланган ҳар бир ногиронлиги бўлган шахс учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3 баравари миқдорида берилиши белгиланди.

Мазкур Фармонда ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш бўйича қуйидаги тартиб жорий этилиши белгиланди:

- 2025 йил 1 июндан бошлаб «Ягона миллий ижтимоий ҳимоя» ахборот тизимида Меҳнатга лаёқатли ногиронлиги бўлган шахсларнинг электрон реестри (кейинги ўринларда - электрон реестр) юритилади. Бунда:

- ногиронлиги бўлган шахсларнинг маълумоти ва меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади;

- иш берувчиларга электрон реестр маълумотлари билан танишиш ҳамда мақбул келган номзодни ишга қабул қилиш имконияти яратилади;

- электрон реестрдаги маълумотлар мутасадди давлат органларининг электрон дастурлари асосида реал вақт режимида шакллантирилади;

«Инсон» ижтимоий хизматлар марказлари томонидан электрон реестрга киритилган шахсларнинг бандлик ҳолати мониторинг қилиб борилади;

2025 йил 1 августдан бошлаб «Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида ногиронлиги бўлган шахслар учун иш ўринларини захиралашнинг электрон тизими жорий этилади. Бунда ташкилотлар томонидан иш ўринларини захиралаш электрон реестр маълумотлари орқали ўзлари жойлашган ҳудуддаги ногиронлиги бўлган шахсларнинг жисмоний ҳолати ва имкониятлари ҳамда малака даражасидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Мазкур Фармонда белгиланишича, 2025 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 октябрдаги ПҚ-390-сон қарорига мувофиқ юритилаётган Ягона реестрга фақатгина куйидаги тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳақидаги маълумотлар киритилади:

- ходимлари умумий сонининг камида 25 фоизи, бироқ камида 4 нафари ушбу ташкилотда 6 ойдан кам бўлмаган муддатда фаолият олиб бораётган ногиронлиги бўлган шахслардан иборат ва ногиронлиги бўлган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида 25 фоизини ташкил этувчи тижорат ташкилотлари;

- камида 6 ойдан буён фаолият юритаётган ногиронлиги бўлган яқка тартибдаги тадбиркорлар.

Мазкур Фармонда белгиланишича, 2025 йил 1 июндан бошлаб:

- электрон кооперация порталида Ягона реестрга киритилган субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар, кўрсатиладиган хизматларнинг давлат хариди учун электрон савдо майдончаси фаолияти йўлга қўйилади;

- давлат буюртмачиларига электрон савдо майдончаси орқали Ягона реестрга киритилган субъектлардан бир шартнома бўйича қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн минг бараваригача бўлган товар (хизмат)ларни харид қилишга руҳсат берилади. Бунда электрон савдода 48 соат ичида бир нафар иштирокчи қатнашган тақдирда, давлат буюртмачисига иштирокчи билан электрон равишда савдолашиш орқали ёки давлат харидларининг бошқа тури асосида харидни амалга ошириш ҳуқуқи берилади;

- ногиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаган ҳамда уларнинг ижтимоийлашувига кўмаклашган тадбиркорлик субъектлари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги (кейинги ўринларда -Агентлик) томонидан «Инклюзив иш берувчи» мукофоти билан тақдирланади;

Агентлик ва Савдо-саноат палатаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили май ойида «Инсон учун» шиори остида ногиронлиги бўлган шахслар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўрғазмаси ўтказиб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 майдаги ПФ-85-сонли "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат қилиш имкониятини чекловчи салбий омилларни бартараф этишга, уларни касб-хунарга ўргатиш ва бандлигига кўмаклашиш орқали жамиятнинг фаол иштирокчисига айланишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**REFERENCES. IQTIBOSLAR. CHOSKI.**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонуни.